

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ НАВБАТДАГИ ҚАБУЛИ БЎЛИБ ЎТДИ



Қабулда тумандаги мутасадди корхона ва ташкилот раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирок этди. Ўтказилган қабулда фуқаролар томонидан моддий ёрдам, кредит, ишсизлик ва бошқа турдаги 33 та мурожаат келиб тушди. Айрим мурожаатлар жойида ҳал этилган бўлса, вақт ва ўрганиш талаб этадиган мурожаатларни ечими юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш ҳамда ушбу мурожаатларни белгиланган муддатда ҳал этиш бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.